# БИР ТУП ЁНҒОҚ ЭКСАНГ...

## ЮЗ ЙИЛ МЕВА ТЕРАСАН

Бозор айланиб юрибмиз. Пештахталарга қараб кўзинг яйрайди. Одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор. Бир пайт ён томонимдан кимдир мени чақиргандек бўлди: — Болаларингизга жийда олиб беринг, қизим.

Ўгирилдим. Пештахта ортидаги аёл жийда тўлатилган халтачага имо қилиб, жилмайди. Мен ёнимда келаётган ўғлимдан «Жийда ейсанми?» деб сўрадим. Ўғлим юзимга ҳайрон боқди:

— Жийда... Нима у?

Уялиб кетдим. Ўғлимнинг жийда нималигини билмаганидан эмас, йўқ, унга шу пайтгача жийда олиб бермаганимни ўйлаб хижолат тортдим. Бозордан уйга қайтаяпману, хаёлимда ҳамон ўғлимнинг саволи. Жийдаку, майлия. Ёши бу йил саккизга етиб қолган ўғлим билан ҳали ўрикнинг неча тури борлигини, шафтолининг ранги қанақалиги, олманинг неча хил бўлишини ҳам билмас. Ҳандалакнинг қаерда пишишинию, анжирнинг қай дарахтда етилишиничи? Қаёқдан ҳам билсин! Ахир шаҳардаги баланд қаватли уйларда улғаяётган бола мевали дарахтни кўрмаган, полизларда юрмаган бўлса бунга ким айбдор? Шаҳарми ё «шаҳарлик» ота-онами?!

Болалигимни эслайман. Қишлоғимиз четида бир боғ бўларди... Уйимизга меҳмон келган кезлари онам улар олдига оппоқ дастурхон ёзиб, устини ҳўлу-қуруқ меваларга тўлдириб ташларди. Жажжи идишчаларда жийда, тутмайиз, ёнғоқ, туршак, олча қиёми ва албатта тут шинниси бўларди.

— Олинг, айланай, Шокир отанинг шиннисидан бу, — дерди онам идишчани меҳмон олдига суриб.

Шунда меҳмонлардан бири аллақандай сергак тортиб: — Шокир ота бақувватми, иш қилиб, — деб сўрарди.

— Худога шукр, яхшилар...

— Эртага отахонни бир зиёрат қилиб, дуоларини олиб кетаман, — дерди меҳмон.

Отахон... Бутун қишлоқнинг «Шокир ота»си эди у киши. Ўзидан ҳам кўра боғининг довруғи узоқ-узоқларга етганди. Салкам уч чақирим жойни эгаллаган бу боғнинг мевалари юз бир хил эди десам хато бўлмас. Биргина жийданинг уч-тўрт хили, беҳи, ўрик ва шафтолининг ундан ошиқ тури бориди. Олманику, қўяверинг, Эртаги оқпишаридан тортиб, то кечки тирамоҳда ҳам узмасангиз тагига тушмайдиганларини кўрардингиз. Боғнинг қуйи томонида анжирзорлар солланиб ётарди, йигирма-ўттиз чоғли «болакай»лар йил бўйи шу боғ ичидан чиқмасдик. Бу боғнинг меҳмонлари ҳам, мезбонлари ҳам ўзимиз эдик, гўё. Гоҳо чигитдай бўлиб қолган довуччаларни олмоқ бўлиб шохларни эгсак борми, қамиш чайласида аллақандай гиёҳлардан дори тайёрлаб ўтирган Шокир ота бизни беозоргина койиб қўярди:

— Ҳой, бой бўлгурлар, шохларини эгманглар, дарахтнинг жони оғрийди!

Шундан сўнг Шокир ота ёнимизга келиб шу дарахтлар ҳам ўз тилларида гапира олишини, агарда шохлари эгиб-синдирилса жисму-жони азоб чекишини бизга эринмасдан тушунтирардилар. Ишонардик. Қачонлардир дарахт танасига исмларимизни пичоқ билан ўйиб ёзганимизни ўйлаб ич-ичдан хижолат тортардик...

Шокир отанинг боғида пишган мевалар пешма-пеш узилиб, давлатга топшириларди. Режалар икки юз ҳиссагача бажариларди. Қолган мева бутун қишлоқ хонадонларини бир қишдан олиб чиқарди. Жуда баракали, гўё «очилдастурхон» эди бу боғ. Шокир отанинг ўзи эрта кўкламда — тут пишиғида шинни тайёрлаб қишлоқдаги уйларга тарқатиб чиқарди. Шамоллаган болалару яримжон кексаларга ёзу-қиш қувват бўларди бу шиннилар. Умуман, ўша йилларни эсласам, аҳоли ўртасида ҳозиргидан кўра камроқ эди, назаримда. Дорихона қаердалигию, дори нималигини билмасдик. Шамоллаган кишига беҳини чўққа кўмиб едириларди, йўтал тутганда эса уруғи қайнатиб ичириларди. Жийда меваси ич кетганда, туршак ивитилган сув ич қотганда даво бўларди. Жийда пўстлоғи солиб дамланган чой ошқозони заиф кишиларга фойда қиларди.

Хуллас, ҳар бир уйнинг ўз табиби бор эди. Момоларимиз ҳам ўта пишиқ-пухта, тежамкору тадбиркор бўлишган, аслида. Менинг энам овқат учун пиёз тозаласалар пўстини ташлаб юбормасди. (Пиёз пўсти сочни қорайтиришини йиллар ўтиб тушунганман). Картошка артсалар, унинг пўчоқлари билан гиламларни тозалашардилар. «Нўхат ивитилган сув тиш оғригини, гуруч ювилган сув қорин оғриғини қолдиради» дердилар доим. Агар иссиғимиз чиқса, дарров умоч ош ичириб, кўрпага ўраб қўярдилар. Қаттиқ бир терлаб, эртасига отдек бўлиб кетавердик. Қотган нон бўлакларидан «нонсолди» деган хушхўр таом пишириб берардилар. Шамолда дарахт тагига учиб тушган мева ҳам энамнинг назаридан четда қолмасди. Бизнинг назаримиз илмаса, у меваларни дарров қоқи қилиб ташлардилар. Кийимларимизнинг йиртилган жойларини «гул» ёки «юлдузча»лар шаклида усталик билан ямаб берардиларки, «гул»ларига қизиқиб киярдик. Уйимизда эса ҳамма нарса етарли бўларди. Гўшт ҳам, сабзавоту мева чева ҳам... Ҳаммаси энамнинг уддабуронлиги туфайли эди.

Хуллас, кейин... пахта яккаҳокимлиги катта-кичик томорқаю тепаликларни забт этиб бўлгач, Шокир отанинг боғига ҳам чанг солди. «Саллани ол деса, каллани ҳам қўшиб олиб келадиган» айримлар боғ четидаги дарахтларни «қуриган» ҳисоблаб кесиб кетишди. Икки-уч йил оралиғида эса бутун боғ пайҳон қилинди. Ўрнига пахта экилди. Қишлоқ кексалари вазмин бош чайқаб: «Яхшиям Шокирвой бу кунларни кўрмай кетди, раҳматли» деб пичирлашди. Лекин, ҳамманинг дами ичидайди. Ҳеч ким дарахт кесаётганларнинг қўлидан аррани тортиб ололмас, ер сураётган бульдозернинг олдига кўндаланг туролмасди...

Йиллар... Ҳар гал қишлоққа борсам, ўша боғ ўрнига кўзим тушади. Юрагим алланечук бўлади. Ахир битта ниҳолнинг ўсиб дарахтга айланиши, дарахтга айланиб мевага киришигача ўтган вақт нақ бир йигитнинг умрига тенг-ку. Бутун бошли боғни барпо этишга Шокир отанинг қанча умри сарф бўлдийкин. Аслида яхши киши ўз яхшилигини пеш қилмайди, яхшилик қилаверади. Қилган яхшилиги эса уни асрайди, умрига умр қўшади. Бундай одамлар гарчи ҳаётдан ўтиб кетсаларда, халқнинг меҳру-ардоғида яшайди. Яшайверади...

Пахта майдонлари қисқара бошлаган йилларда боғ ўрнига пахта экиш ҳам барҳам топди. Бу жойдан одамларга уй қуриш учун ер тақсимлаб берилди. Энди боғ ўрнида қатор-қатор уйлар... Ҳали-ҳануз шу жойда яшаётганларни биров сўроқлаб қолса «Ҳа, уми, Шокир отанинг боғида туради» дейишади. «Шокир отанинг боғидан сал ўтсангиз, у ёғи Булунғурариқ» дея тушунтиришади айримлар. Қишлоқдан қайтган куним ўша боғ тушимга кирибди. Ёнғоқзорда ўтириб олиб, ёнғоқларни қўлда чақиб еб ўтирармишман. Эртасига ёнимиздаги бозорчага чиқдим. Аммо... Шокир отанинг боғида кўрганим — ғалвирак ёнғоқни тополмай қайтдим.

Аждодларимиз «етти ўлчаб бир кесади»ган ақлли кишилар бўлишганда. Қайсики хонадонда қиз фарзанд туғилса унга атаб мевали дарахт, ўғил туғилса терак экишаркан. «Қиз бола она бўлмоқ учун дунёга келади, илоё шу бахтга эришсин» дея пичирлашаркан мевали дарахт экишаётиб. «Мана шу тераклар катта дарахтга айланиб, эгаси қуражак уйларга устун бўлсин» дейишаркан терак ниҳолларини қадаётиб. Шу тариқа фарзандлар қаторида мевали-мевасиз дарахтлар ҳам кўпайиб бораверган. Бугунги кунимизда қайси уйда фарзандга атаб кўчат экилади? Ҳувиллаб ётган майдонларда боғ барпо этишни ҳамма ҳам ўйлармикин? Гўё ота-боболаримизнинг мана шу анъаналари эсимиздан буткул чиқиб кетгандек туюлади, менга. Эсимда, уйимиз орқасида катта жийдазор бор эди. Чилон жийда, нон жийда, жайдари, читтак жийда... Гулга кирганида ҳиди бутун қишлоқни тутиб кетарди. Меваси пишганида дўппиларимизни тўлдириб бир-биримизни «сийлардик». Бугунги кунда бир ҳовуч жийда олиш учун бозорни хўб оралаш керак бўлади. Болаларимиз эса жийдагулнинг бўйларини ҳидламай, меваларидан тўйиб баҳраманд бўлмасдан ўсишяпти.

Беш-олти йил аввал она юртим Самарқанднинг чекка тумани — Пастдарғомда хизмат сафарида бўлганман. Туманга кираверишда катта йўлнинг икки четига қатор қилиб ўрик экилган экан. Мевалари ғарқ пишиб, тагига тўкилиб ётибди. Сокин ариқчада қалқиб юрган мевалардан олиб еганман. Бирам ширин... «Қайси ақлли одам ўйлаб топганикин, буни» деб ажабланганман сўнгра. Ахир катта йўллар четида нуқул терагу чинорларни кўравериб кўзимиз ўрганиб қолган-да. Шу учунми, йўл четида пишиб турган ўриклар кўзимга сал ғалатироқ кўринган бўлса ажабмас. Доно халқда бир қанча мақоллар бор: «Боғни боқсан боғ бўлар, ботмон даҳсар ёғ бўлар!», «Кўчат эк, боғ ярат!», «Умид билан суқилган таёқ, бир куни берар меваю, япроқ!», «Боғлар гўзал олма-анори билан...».Бу нақлни айтиб кетганлар асл боғбон бўлишгандир. Ахир, ўзбек халқи дунёга машҳур олиму фузалолар, шоиру шуаролар, доно мутафаккирлар қаторида улуғ соҳибкору боғбонларни ҳам берган! Уларнинг номларини ҳали-ҳануз ёд оламиз, қилган ишларини ўрганамиз. Лекин, ҳар кўкламда энг савобли иш бўлмиш кўчат экмоққа негадир ошиқмаймиз.

Ўзимиздан фарзандларга қоладиган маънавий ва маданий мерослар ичида катта-катта боғларимиз ҳам бўлса нақадар соз! «Ақалли бир туп ёнғоқ эксанг, юз йил мева терасан» деган оқилона нақлни бир эслайлик. Асл боғбон, асл деҳқону-соҳибкор ўтган ота-боболаримизга муносиб фарзандлар бўлсак, бунинг нимаси ёмон?!

Бугун шу ҳақда ўйлайдиган, юртимизни боғларга буркайдиган, ниҳол экиб боғ яратадиган вақт.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси**

# ГАЗЕТА НЕГА КЕЧИКАЯПТИ?

Севимли газетамиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни кўпчилик иштиёқ билан ўқийди. Унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутади. Маълумки, газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Лекин у республикамизнинг жанубий вилоятларига қачон етиб бормоқда? Муштарийлар ўзлари севиб ўқийдиган нашрнинг янги сонини неча кундан сўнг олишаяпти? Шу саволга жавоб излаб мутасадди раҳбарлар, газетхонлар билан учрашдим.

Қашқадарё вилоятининг очиқ турдаги «матбуот» ҳиссадорлик жамияти бизга кундалик нашрларни, жумладан Адабиёт ҳафталигини ҳам газета дўконлари орқали сотиб келмоқда. Жамият раиси Турдимурод Бурҳонов бу соҳада кўп йиллик тажрибага эга ва ҳозирги баъзи қийинчиликларга қарамай ўз ишини баҳоли қудрат эплаб келаяпти. Унинг ҳикоя қилишича, вилоят шаҳар ва туманларида 90 дан ортиқ газета дўконлари мавжуд. Қарши шаҳрининг ўзида 36 дўкон аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтанинг ҳар жума кунлари чиқса-да, вилоят марказига кейинги ҳафтанинг чоршанба кунлари поездда етказиб берилади. Қарши шаҳрига шу куни кечга яқин, туманларга эса эртаси куни тарқатилади. Демак, газетани деярли бир ҳафтадан сўнг одамлар қўлига олишади. Бу — қатъий тартибга айланиб қолган. Нега шундай? Айб кимда? Т. Бурҳонов шундай изоҳ берди:

— Биз бу ҳақда тошкентдагши мутасадди раҳбарларимизга айтганмиз. ҳаракат қиламиз, дейишади. Бироқ аҳвол ҳануз ўзгармаяпти.

Газеталар Шаҳрисабз, Косон шаҳарларида яхши кетади. Бу шаҳарларда тижорат яхши ривожланган-да! Аммо Деҳқонобод, Касби, Баҳористон, Чироқчи, Қамаши туманларида бундай дея олмаймиз.

— Халққа кўпроқ матбуот нашрларини сотиш, тарқатишнинг бошқа имкониятлари йўқми?

— Бор— деди, Т. Бурҳонов ишонч билан. — Ҳозир асосий обунани почта-алоқаси ходимлари олиб боради. Аммо уларда тажриба, иштиёқ йўқ. Менимча, улар йирик корхона, ташкилот, идора хўжаликларга чиқишсин, одамлар билан учрашиб, тарғибот ишлари олиб боришсин. чунки обуна нархи сотувдагидан кўра арзон.

— Сизлар ҳам обуна қабул қиласизларми?

— Ҳа,. Бу йил 250 минг сўмлик бўлди. Лекин келишилган ҳолда, дўкон орқали. Эгаси дўкондан олиб кетади ёки пулини тўласа, газетани дўкондор обуначининг уйига олиб боради.

Шундан сўнг Қарши шаҳар почта алоқаси ташкилотларининг матбуот тарқатиш бўлими бошлиғи Рустам Дилмуродов билан учрашдим.

— Ҳа, кўпчилик газеталар чоршанба куни поездда келади. Биз дарҳол обуначиларга тарқатамиз. Адабиёт газетасини ҳам шу куни — нашр қилинганидан 5 кун кейин оламиз.

Вилоят давлат почта алоқаси ва матбуот тарқатиш бошқармаси бошлиғи Бобомурод Тўлаев изоҳи:

— Газеталарнинг кечикиши бизларга боғлиқ эмас... Ҳозир обуна йил бўйи давом этаяпти. Гапнинг очиғи, газета-журналларни аҳоли ўртасида тарғиб қилишга имкониятимиз йўқроқ. Ходимларимизнинг иши жуда кўп. Матбуот нашрларини катта харажатлар билан тарқатамиз.

Қарши давлат университети тиллар ва тарих маркази бошлиғи Б. Йўлдошев, болалар боғи ходими Л. Нарзуллаев, Қаршидаги 21-мактаб-лицей илмий бўлим мудири А. Худойбердиев ва бошқалар газетанинг адабиёт ва санъат равнақига, одамларнинг маънавий камолотига қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапириб, унинг сотувга ҳам, обуначиларга ҳам кечикиб келаётганидан афсус билдиришди.

Республикада матбуот нашрларини аҳолига тарқатиш иши билан шуғулланаётган мутасадди раҳбарлар бунга нима дейишаркин? Газеталарнинг ўз мухлисларига 5—6 кун кеч етказиб берилаётгани сабабларини қандай изоҳлашаркин?

**Н. ТИЛОВ,**
**ўз мухбиримиз**

***ТАҲРИРИЯТДАН:***

***Мухбиримиз ўртага қўйган муаммога аниқлик киритиш мақсадида Тошкентдаги газета ва журналларни тарқатиш экспедицияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компаниясининг шу ишга алоқадор бўлинмаларига мурожаат қилдик.***

***Маълум бўлишича, ҳафталик газеталар республика вилоятларига махсус почта-юк поездлари орқали етказиб берилади. Бундай поездлар Тошкент — Қўнғирот йўналишида ҳар куни кеч соат 22.50 да, Фарғона водийси йўналиши бўйича эса ҳар куни 16.55 дан йўлга чиқади. Фақат Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига қатновчи 924-почта-юк поезди ҳафтада икки марта — сешанба ва жума кунлари эрталаб соат 9.00 дан ўз манзиллари томон йўл олади.***

***Ўз-ўзидан маълумки, ҳафтанинг жума кунлари, айни шу пайтда босмахонада чоп этилиб турган ҳафталигимиз бир-икки соатга қолмай темир йўл вокзалига етказиб берилаётганига қарамай, газеталарнинг тахламлари салкам 5 кун мобайнида навбатдаги почта-юк поездини кутиб қолади.***

***Хўш, бу фан-техника равнақ топган бугунги кун талабларига, обуначиларнинг эҳтиёжларига тўғри келадими? Асло! Масалага соғлом мантиқ билан ёндошилса, бу мутлоқо хотиржам бўладиган ҳол эмас. Ахир республиканинг жанубий вилоятларига ҳам ҳар куни йўловчи поездлари қатнайди. Илгари уларнинг ҳар бирида почта-юк вагонлари бўларди. Наҳотки, бугун ҳеч бўлмаса махсус почта-юк поездлари камқатнов бўлган йўналишлардаги йўловчи поездларга шу вагонларни тиркашнинг иложи бўлмаса?!***

***Бўлади. Фақат бунинг учун озгина саъй-ҳаракат, олис шаҳар ва қишлоқларимизда истиқомат қилаётган меҳнат аҳлининг, зиёлилар, мактаблар ва олий ўқув юртлари муаллимлари, ижодкорларнинг қонуний эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиш, матбуот нашрлари, хат-хабарларни ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш учун озгина жон куйдириш, талаб этилади.***

***Ўйлаймизки, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компаниясининг раҳбарлари ҳам фикримизга қўшилсалар керак. Таҳририят бу ҳақда улардан тегишли жавоб кутади.***



Қаршилик моҳир боғбон Қурбон бобо Мўминов ўз лимонзорида

# МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЭКОЛОГИК АТЛАСИ

Олмониянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармасининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонасида Тошкент шаҳридаги марказий ва туманларнинг кутубхоналарига «Туркистон — умумий уйимиз» деб аталган янги экология атласини топшириш маросими бўлди. Унда республика Маданият ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликларининг, шунингдек, шаҳар кутубхоналари иштирок этдилар.

Мазкур жамғарма Ўзбекистон Оролни асраш жамоатчилик қўмитаси билан ҳамкорликда ва БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси кўмагида нашр этган ушбу атласда Марказий Осиё минтақасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофазалаш муаммолари ўз аксини топган. Рус, инглиз ва олмон тилларида, юксак матбаа усулида чоп қилинган рангли атласдан китобхонлар минтақамизнинг табиати, айниқса Орол денгизининг бугунги аҳволига доир саволларига жавоб топишлари мумкин.

Пойтахт кутубхоналари вакилларига ана шу экология атласини топшириш маросимида К. Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили жаноб В. Шрайбер ва Ўзбекистон Оролни асраш жамоатчилик қўмитаси раиси, профессор П. Шермуҳамедовлар сўзга чиқишди ва мухбирларнинг саволларига жавоб бердилар.

*Нақд гап*

# МАЪРИФАТИ БИЛАН МУҲТАРАМ...

Баркамол фарзанд билан фахрланиш-ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси. Фарзандлар-чи?! Улар ҳам ўз падари-волидалари билан фахрланишни истайдиларми? Болаларнинг маънавий камолоти даражасида уларни яратувчиси бўлмиш Оналарнинг жамиятда тутган ўринларининг аҳамияти борми? Қисқаси, оналар ўзларида қандай фазилатларни мужассам этишлари зарур?

Бир қарашда юқоридаги саволлар айниқса бугунги кунда эришдай туюлади. Чунки миллий мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан буён кенг жамоатчилик орасида «энди аёллар асл миллий қисматларини тиклашлари зарур. Бизда хотин-қизлар қадим-қадимдан уй юмушлари билан банд бўлишган. Оналарнинг вазифаси — уйда фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш», — деган мулоҳаза кезиниб юрибди...

Бу савол кўпдан бери каминага тинчлик бермайди. Шу сабабли жиддий жамоат иши билан банд бўлишимга қарамай, олтинчи фарзандимни ҳам оёққа турғазиб олгач, илмий ишга қўл урдим. Номзодлик диссертациямни ёқлагач, хотин-қизларимиз меҳнатларидан оқилона фойдаланиш муаммолари мавзуида навбатдаги тадқиқотимни асосан қишлоқларда яшаб, фарзанд тарбиялаётган аёллар тақдирини ўрганишга бағишладим. Бунинг учун болаларнинг ўқишдаги ўзлаштириши, касб-ҳунар эгаллаш йўлидаги иштиёқи, мактабдан ташқари муассасаларга қатнови, кино, театрларга бориши, спорт, мусиқа тасвирий санъат тўгаракларига муносабати ҳамда дарсларни ўзлаштиришида онасининг ёрдами бор-йўқлигини белгиловчи саволлардан иборат сўровнома варақалари тайёрланилди. Мазкур сўровнома варақаларида онасининг уй бекаси экани ёки жамоат ишида ишлаши, касб-кори аниқ ёзилиши белгилаб қўйилди. Сўровномалар Бўз, Шаҳрихон ва Қува туманлари мактабларидаги ўн минг нафар ўқувчига тарқатилди.

Олинган жавоблардан шу нарса маълум бўлдики, мактабда «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўқиётган, қизиқиш доираси кенг болалар асосан ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётган, ўқиб бирор мутахассисликка эга бўлган маърифатли оналарнинг фарзандлари экан. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: болаларнинг маънавий камолоти даражаси уларнинг оналари кўтарилган маърифат чўққиси билан бевосита боғлиқ.

Космик асримизнинг ҳар бир кунида дунёда, она Ватанимизда қанчадан-қанча ўзгаришлар содир бўлмоқда. Фан-техника оламида ақл бовар қилмайдиган янгиликлар яратилмоқда. Уларни болаларга танитиш биринчи галда оналарнинг зиммасида» Ахир ўсиб келаётган авлод бу оламдан топаган ҳар бир янгилигини ҳаммадан олдин онасига суюнчилайди. Ҳайратларини онасига изҳор қилади. Ўзини қизиқтирган саволларини энг аввало онажонисига беради. Ҳар қандай масалада онанинг фарзандига айтадиган гапи-гап! Фарзандлар учун онанинг гапи — дунёдаги энг аниқ ҳақиқат бўлиб қолади! Бас, шундай экан, фарзанди даврга муносиб инсон бўлиб етишувини истаган оналар замон билан тенг қадам ташлаши, энг муҳим воқеаларнинг мағзини чақиб бера оладиган даражада етук бўлиши, замонавий фан ва техника оламининг энг муҳим қирралари билан таниш бўлмоғи шарт. Бу талаблар эса аёлларимиздан тинмай изланишни, ижтимоий ҳаётда зийрак ва фаол бўлишни, зукко, маърифатли инсонлар сафида туришни талаб этади.

**Турсуной ИСОҚОВА,**
**иқтисод фанлари номзоди**

# ҲАҚИҚАТ АСРОРИ

Нажмиддин Кубро машҳур шайх, катта тасаввуф олими, халқ қаҳрамони бўлибгина қолмай, оташнафас шоир ҳамдир. Атоқли шарқшунос Е. Бертелс 20-йиллардаёқ бунга эътиборни қаратган эди. Олим «Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти» китобида Нажмиддин Кубронинг турли қўлёзма ва баёзлардан танлаб олинган 25 та рубоийсини асл нусхасида келтирган.

Тариқат шайхларининг шеъриятга мурожаат қилиши тасаввуф оламида кўп учрайдиган ҳодиса. «Чунки тасаввуф ғояларини ақлий-назарий мушоҳададан кўра ҳиссий-бадиий тафаккур билан тушунтириш осон» (Н. Комилов). Шунинг учун ҳам тасаввуф бошданоқ шеърият билан бақамти ривожланди. Тасаввуф тарихига назар ташласак, ўзларининг ахлоқий, фалсафий ва илоҳий қарашларини тарғиб қилиш, самоъ мажлисларини қизитиш учун машҳур шайхларнинг аксари шеъриятдан фойдаланганликларини кўрамиз. Уларнинг кўплари рубоий ва ғазаллар ёзгани, шеърий девонлар мерос қолдиргани тарихдан маълум. Мисол тариқасида, Абулҳасан Ҳарақоний, Абусаид Абулхайр, Абдуллоҳ Ансорий, Аҳмад Яссавий, Мажididдин Бағдодий кабы шайх-шоирларнинг номларини санаб ўтиш мумкин. Нажмиддин Кубро ҳам ана шундай шайхлик ва шоирликни — тариқат ва шеъриятни ўзаро омухта қилган тасаввуф пирлари сирасига киради.

«Тасаввуф адабиёти деганда, асосан, тасаввуф илмий-фалсафий ва амалий дунёқарашини тарғиб этишга қаратилган бадиий асарлар назарда тутилиши лозим. Уларнинг муаллифлари — мутассавуф адиблар ўз олдиларига тасаввуф ғояларини шакллантириш, уларни ярим бадиий, ярим ахлоқий, ярим миллий шаклда оммага ёйишни мақсад қилиб қўядилар», — деб ёзадилар таниқли олимлар С. Ғаниева ва Ҳ. Неъматов. Жумладан, Нажмиддин Кубро қаламига мансуб суфиёна рубоийлар ҳам тасаввуф дунёқараши тарғибига — Ҳақиқатни излаш, Оллоҳга бўлган ишқни куйлаш, Ҳақ йўлига даъват қилиш, Оллоҳ муҳаббатини қозониш мақсадида тариқатга кирган ошиқнинг ҳол ва мақомотнинг турли босқичларидаги ўй ва кечинмалари, ранжу изтиробларини тасвирлаш, суфий-дарвешларни улуғлаш, нафсни қоралаш, Ҳақнинг рамзи бўлмиш маъшуқа гўзаллигини таъриф-тавсиф этиш, гоҳ висол умиди, гоҳ ҳижрон азобидаги ошиқ ҳолатини ифодалашга бағишланган. Бу тўртликларда ишқни тарк этиш тилаги, бутхонага майл, шаҳид бўлиш орзуси, фақру фано ва бошқа тасаввуфий ҳолат-кечинмалар хусусида ҳам сўз боради.

Нажмиддин Кубронинг мана бу рубоийси соликни ҳақ йўлга йўналтирувчи, борлиқнинг моҳиятини англашга ундовчи дастуриламал каби жаранглайди:

*Ҳақ йўлига ҳар лаҳза саъй этмак лозим,*
*Дунёдан этак тортмагу кетмак лозим.*
*Қасд айла билишга Моҳиятни, зеро,*
*Олам ҳама — Ул, бу сирга етмак лозим*.*

Тасаввуф таълимотига кўра оламнинг асосида Худо ётади.Оллоҳ таоло ўз жамолини кўриш истагида бу дунёни кўзгу қилиб яратган. Мазкур кўзгуда жилваланган — кўринган нимаики бор, буюк Нур чашмасидан бир учқундир. Бу улуғ қудрат асрорини англаш, ҳис этиш учун бутун фикру зикрни ягона Оллоҳга қаратиш, Ҳақ йўлига кириш, бунинг учун эса дунёдан — инсонни ҳақ йўлдан оздирувчи нарсалардан қўл тортиш лозим.

Албатта, суфиёна адабиётда моддий дунёга, унинг неъмат ва лаззатларига ҳирсу ҳавас қораланиб, Оллоҳга, илоҳий дунёга муҳаббат улуғланади. Лекин бу бир неча ўн йиллар давомида талқин қилиб келингани каби таркидунёчилик дегани эмас. Бугун биз биламизки, ислом ҳам, унинг бағрида ривожланган тасаввуф ҳам дунёвий муҳаббатни инкор этмайди.

Тасаввуф адабиётида дунёдан воз кечишга, унга кўнгил боғламасликка даъват қилинар экан, бунда инсоннинг камолотга эришиши, руҳини тараққий эттиришига халақит берувчи ҳою ҳаваслар, нафснинг номатлуб шўришу ғавғолари, хулқнинг ёмон сифатлари, бир сўз билан айтганда, дунё ва инсон табиатида мавжуд барча ёмонликлар кўзда тутилади. Умуман, тасаввуф адабиётида дунё ва нафснинг кескин қораланишига сабаб — улардан бирининг ўткинчилиги, Яратгувчининг фақат сурвати эканлиги, демакки, ҳақиқий эмаслиги билан изоҳланса, бошқасининг инсонни ҳақ йўлдан оздириши мумкинлиги билан асосланади.

Нафс фақат еб-ичиш, жисмоний эҳтиёжни қондириш эмас. У бирмунча кенг тушунча бўлиб, мол-дунёга ҳирс қўйиш, тож-тахт учун курашиш, ҳашам-дабдабага ўчлик ва бошқа шу каби инсон табиатидаги салбий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Шундай экан, айтиш мумкинки, тасаввуф бизга уқтириб келганлари каби исломга эмас, аксинча, нафсга муҳолафат сифатида пайдо бўлган. Бу нарса машҳур тариқат шайхларининг тасаввуфга берган таърифларида ҳам ўз ифодасини топган. Чунончи, Шайх Нурий: «Тасаввуф — нафс лаззатларидан воз кечиш», деб айтса, Шайх Сафий Алимшоҳ фикрига кўра: «Тасаввуф — нафс манзилларини босиб ўтиш»дан иборат. Атоқли суфий шоир Бобо Тоҳир эса мазкур тезисни мана бундай ифодалаган: «Тасаввуф— нафсоний-ҳайвоний ҳаётда ўлмоқ ва инсоний ҳаётда яшамоқ».

Тасаввуф таълимоти бўйича инсон икки қарама-қарши асос — нафс ва руҳдан иборат. Нафс— дунёвийлик тимсоли, руҳ эса — илоҳий неъмат. Агар инсонда нафс талаблари кучайса, унда ҳайвонийлик, руҳ устунлик қилса, илоҳийлик ривожланади. Нафс ва руҳ ўртасидаги кураш, айтиш мумкинки, тасаввуфнинг асосий масаласи ҳисобланади. Бу таълимотга кўра нафс— барча ёмонликларнинг онаси, руҳ — барча яхшиликлар асоси. Шунинг учун ҳам суфиёна адабиётда нафсни ғаддор душманга, итга, девга, еб-тўймас аждаҳога, Дажжолга ва ҳоказога ўхшатадилар. Чунончи, Машраб уни аждаҳога менгзаб: «Нур бўлур эрдимки, нафс аждаҳоси бўлмаса», деб ёзса, Ҳусайн Воиз Кошифий нафсни шерга ўхшатади:

*Ташқи душман бўлди яксон, эй шоҳим,*
*Ичкарида лек қолди зўр ғаним.*
*Ул ғанимни ақл ила енгмоқ қийин,*
*Ул қуёнмас, шердир ичда яширин.*

Нажмиддин Кубро эса нафсни девга қиёс қилади:

*Пинҳон эмас асло — ичдабир дев бордир,*
*Бошини кўтармоғи унинг душвордир.*
*Иймонини минг мартаба талқин қилдим:*
*Ул асли азал муслим эмас, куффордир.*

Тасаввуф адабиётида нафс қанчалик қоралanса, дарвеш шунчалик улуғланади. Чунки дарвеш — нафсини енгтаилан тимсоли. Яссавий дарвешларни пайғамбардан ёдгор қолганлар, деб бежиз айтмаган. Зеро, қаноат — Муҳаммад алайҳи-с-саломдан мерос. Шунинг учун ҳам дарвешларнинг «Мустафодир — Имоми» (Сулаймон Боқирғоний).

Нажмиддин Кубро дарвешни қаноат мулкининг подшоҳи деб билади:

*Дарвеш элига айлама таънаки, улар*
*Қандай туғилган эса — шундай ўлар.*
*Бир олам зар келтир-у бир арпа — сина:*
*Билмоқчи эсанг кимлигини асли улар.*

Бугун биз биламизки, олам жисмларнинг ўзаро тортишиш кучлари асосида ҳаракатланади. Тасаввуф фалсафасига кўра эса коинотни ҳаракатлантирувчи куч — Ҳусн ва Ишқ тортилиши ҳисобланади. «Ҳусн ва Ишқ ажралмас, улар бир-бирига интилиши муқаррар қонуният» (Н. Комилов). Интиҳосиз Ҳуснга, яъни Оллоҳга етишишнинг ягона воситаси — Ишқ. Шунинг учун ҳам Ибн Сино: «Ишқ — мавжудотнинг олий қудрат томон интилишидир», деб ёзган эди.

Мумтоз адабиётда ишқнинг бунчалик «кўб ва хўб» куйланишининг сабаби шундан. Сир эмаски, классик шеъриятда «бир Худодан ўзгаси—барча ғалат» (Машраб), унинг лирик қаҳрамони ерy кўкнинг яратувчиси бўлмиш ягона Оллоҳдир. Ёр ҳам, дўст ҳам, маъшуқа ҳам, ҳақиқат ҳам ўша — холиқи Мутлақдир. Нажмиддин Кубро бу ҳақда:

*Сендан ҳама шўхлик ва паришонлигимиз,*
*Сендан ҳама ошуфтаю ҳайронлигимиз.*
*Ҳар торига кокилингни дил бойлашимиз,*
*Сендан ҳама ғунча каби хандонлигимиз —*

деб ёзади.

Ишқ йўли — оғир. Унинг чек-чегараси йўқ. Шунинг учун ҳам ошиқни баъзан ўз кучига ишонмаслик туйғулари чулғаб олади: шубҳа-гумонга берилиб, ваҳимага тушади, ишқдан ҳам, унинг сўнгсиз азобларидан ҳам воз кечиб кетмоқчи бўлади. Ҳа, тариқат мақомларида ошиқни гоҳо шундай бадбин кайфият қамраб олади. Лекин бу ҳол шамолдек ўткинчи. Буни ошиқнинг ўзи ҳам сезади ва тезроқ мазкур ёқимсиз ҳолатдан халос бўлишга интилади. У яхши биладики, ишқ йўлига кирганларга висолдан ўзга манзил йўқ. Зеро, ҳажр дардига фақат васл малҳам бўлади:

*Ё раб, ўзинг асра, дил жудолик истар,*
*Сендин кечиб, ўзга-ла ошнолик истар.*
*Ишқингдин илик тортса — тутар дўст кимни?*
*Кўйингдин оёқ тортса — хатолик истар...*

Нажмиддин Кубронинг мана бу рубоийсида эса илоҳий ва инсоний руҳнинг бир-бирига интилиши, ўзаро қўшилиб кетиши хусусида сўз боради:

*Ул бодани ичмадимки, ҳушёр ўлсам,*
*Ул маст эмасман дағи бедор ўлсам.*
*Тарк этсам адам бирла вужудни, тонг йўқ,*
*Бир жилвайи ҳуснинг ила ҳуммор ўлсам.*

Рубоийда шоир Худога мурожаат қилиб айтаяптики, моддий дунёдан ва унинг инъикоси бўлмиш вужуддан халос бўлишим учун жамолинг нурининг кўнглим уйида бир бор жилваланиши кифоя. Буни икки маънода талқин этиш мумкин. Биринчиси: кўнгил — кўзгу. Унда илоҳий нур жилваланади. Бунинг учун эса кўнгил «дунё шуғлидан озод» (Навоий), ойинадай шаффоф бўлиши лозим. Яъни, Машраб ёзгани каби:

*Қуйса муҳаббат ўтида фисқу фужур гуноҳларинг,*
*Хилват этиб келур ўзи кўнгулни хонақосига.*

Иккинчиси: инсон ўз яратувчиси билан руҳан қўшилади. Бунинг учун эса у жисмидан халос бўлиши ҳамда дунёни тарк этиши лозим. Зеро, «маъшуқ юзин кўрмоқ бу дунёда раво бўлмас» (Машраб). Ёки Алишер Навоий таъбири билан айтганда:

*Ишқ аро будур эранларнинг иши,*
*Ўлмайин топмас бу давлатни киши.*

Нажмиддин Кубро рубоийлари нисбатан қисқа фурсат ичида икки марта ўзбек тилига ўгирилди. Дастлаб қайта қуриш, ошкоралик шарофати туфайли 80-йилларнинг охирида таниқли шоир ва таржимон Ж. Камол бу қутлуғ ишга журъат этди. Яқинда эса таваллудининг 850 йиллиги муносабати билан яна бир истеъдодли шоир М. Абдулҳаким Кубро рубоийларининг янги таржималарини амалга оширди. Шу ўринда, ҳар икки мутаржим ҳам бу борада Е. Бертелсга таянганликлари, олим томонидан эълон қилинган 25 рубоийнигина ўзбекчалаштирганликларини айтиб ўтиш лозим.

Ж. Камол Нажмиддин Кубро рубоийларини ўз арузий вазни билан таржима қилиб, шакл жиҳатдан муваффақиятга эришди. Зеро, улуғ сўз усталари қаламига мансуб рубоийларни ўз вазнию услубида ўқишнинг, уларнинг жозиб оҳангини тинглашнинг завқу сурурига нима етсин! Чунончи:

*Рўзе, биниӣ маро ту бежон гашта,*
*Бар колбадам халқ хурўшон гашта.*
*Ту бар сари хоки ман нишиниӣ, гўӣ:*
*Эй кушта туро ману пушаймон гашта.*

*Бир кун кўрасенки, мен бежондирман,*
*Теграмда халойиқ тўла афғондирман.*
*Қабрим бошига келиб ўтиргил, айтгил:*
*Ўлдирдим ўзим, вале пушаймондирман...*

Мутаржим нафақат шаклни шакл, мазмунни мазмун, балки оҳангни оҳанг билан ҳам бера олган: рубоийни у ёзилган ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар (мафъулу мафоъилун мафоъилун фаъ) вазнининг айнан ўзи билан таржима қилиб, бир вақтнинг ўзида «ҳам вазн талабини, ҳам маъно эҳтиёжини қондирган» (Ғ. Саломов).

М. Абдулҳаким ҳам буюк ҳамюрти қаламига мансуб рубоийларни арузда таржима қилишга уринган.Лекин ҳамиша ҳам бунинг уддасидан чиқа олмаган. Кўп ҳолларда аруз ва бармоқ вазнларини аралаштириб юборган. Баъзида эса ҳатто бармоқ вазни билан таржима қилиб қўя қолган. Чунончи, Кубронинг мана бу рубоийси икки вазн — ҳазажи мусаммани мақбузи макфуфи мажбуб (1-мисра) ва ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб (2-, 3- ва 4-мисралар) иштирокида ёзилган бўлиб, М. Абдулҳаким уни 11 ҳижоли бармоқ вазни билан ўзбекчага ўгирган:

*Эй рўи ту моҳ — оламорой ҳама,*
*Васли ту шабу рўз таманной ҳама.*
*Гар бо дигарон беҳ зи мане — вой ба ман,*
*В-ар бо ҳама кас ҳамчу мане — вой ҳама.*

*Эй гўзали қоши камон, ёй элнинг,*
*Орзу-умид, азобисан, ой, элнинг.*
*Ҳолима вой эл каби севсам гар мен,*
*Гар мен каби севса, ҳолига вой элнинг.*

Ўзбекча тўртликнинг фақат охирги мисраси рубоий вазни — ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар билан ўгирилган.

Маълум бўладики, ҳар иккала мутаржим ҳам аслига ҳар жиҳатдан мувофиқ, гўзал таржималар яратиш билан бир қаторда, мазмунни қайта акс эттириш борасида бирмунча хатоларга ҳам йўл қўйганлар. Турган гап, иш шу нуқтада тўхтаб қолмайди. Ҳали изланишлар давом этади. Ж. Камол ва М. Абдулҳаким томонидан йўл қўйилган камчиликларни янги таржималар тўлдиради. Зеро, Нажмиддин Кубро, Адиб Собир Термизий, Паҳлавон Маҳмуд каби шоирлар нафақат Шарқ адабиёти классиклари, шунинг баробарида, ватандошларимиз ҳамдирлар. Шунинг учун ҳам улар ижодини икки карра қизиқиш билан ўқиймиз ва бу таржиманинг аҳамиятини ҳам икки карра оширади.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

* Рубоийлар муаллиф таржимасида берилди



Аҳмад ХЎЖА

## СЕН БИР ҲОВУЧ ПОКИЗА НУРСАН...

### РАВШАН ФАЙЗ ХОТИРАСИ

Илҳом ила суҳбат қургувчи эдинг,
Кўчани тўлдириб юргувчи эдинг,
Тўй қилсам, ёнимда турғувчи эдинг.
Огоҳ эт бизни бу сирдан, дўстгинам,
Нега кетиб қолдинг бирдан, дўстгинам?
Ул не бало экан, пайингдан чалди,
Не қуюн еприлди, забтига олди,
Наҳот, фарзандларинг жовдираб қолди.
Улар кўз олдимдан кетмас, дўстгинам,
Дилда яра очдинг, битмас дўстгинам.
Сенга ёт эди-ку кибру ёмонлиғ,
Доим бўлардинг-ку сен ҳақ томонлиғ,
Ҳайҳот, дайр бермади нечун омонлиғ —
Дилимда жавобсиз сўроқ, дўстгинам,
Шу сўроқдан бағрим қуроқ, дўстгинам.
Кечир, Қўшработга бора олмадим,
Қабр жойинг кўз ёш-ла қора одмадим,
Тошга бошим уриб ёра олмадим.
Юзга суртолмадим пойинг, дўстгинам,
Кифтимда бўлмади тойинг, дўстгинам.
Сен кетдинг, қолдилар — ўтлиғ сўзларинг,
Ҳаётинг давоми — қоракўзларинг,
Сени унутмаган дўстлар, ўзларинг —
Ҳамон тургандайсан кулиб, дўстгинам,
Бўлиб давраларнинг гули, дўстгинам.
...Ётган тупроқларинг енгил бўлсинлар,
Нурлар сенга майин энгил бўлсинлар,
Ҳурлар, паривашлар сингил бўлсинлар,
Маҳшар тирилажак рўзи, дўстгинам,
Шафоат айласин ўзи, дўстгинам.
Не тонг, инсон умри — омонатдадир,
Руҳинг боқий сенинг — самоватдадир,
Эндиги учрашмоқ — қиёматдадир.
Ўшандан этмасин жудо. дўстгинам,
Раҳматига олсин Худо, дўстгинам!..

### ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ватанлар маржони ичра дурдона,
Олам аро фақат ўзинг ягона.
Қошингда бир умр бўлиб парвона,
Фарзандман, корингга ярасам дейман.
Қўрқаман тушмоқдин сендан йироққа,
Юрак дош беролмас бундай фироққа.
Гўдакдек талпиниб она қучоққа.
Йўғингу борингга ярасам дейман.
Юртим, ғанимларга хор бўлмагайсан,
Дўсту қардошларга зор бўлмагайсан.
Бирон фарзандингга тор бўлмагайсан —
Ғуруру орингга ярасам дейман.
Сенга фидо бўлсин кечган ҳар оним,
Сеники, нимага етса имконим.
Бино бўлсанг, буюк Ўзбекистоним,
Ғиштдек деворингга ярасам дейман...

### МУНОЖОТ

Она, кеча сизни тушимда кўрдим,
Афтодаҳол, ғариб, паришон.
Сездим маъюс нигоҳингиздан
Безовталик аломатларин.
Нима бўлди?
Бу безовталик
Замирида не маъно зоҳир?
Пок руҳингиз бўлдими воқиф
Мен йўл қўйган бирон гуноҳдан?
Қишлоқдаги укам, синглимдан
Олмаганим вақтида хабар,
Ёки ҳануз кенжатойимнинг
Қўймаганим қўлин ҳалоллаб
Ранжитдими сизни, онажон?
Дейилмишки, ҳадисда: сира
Қариндошлик риштасин узманг,
Қилолмадим бу гапга амал
Сиздан кейин, ростини айтсам,
Кўтарилди меҳр-оқибат,
Узоқ-яқин қариндошлар-ла
Сиз сақлаган борди-келди йўқ.
Қўшнилар ҳам аввалгидекмас.
Нимагадир уч кундан ортиқ
Сиғмай қолдим она қишлоққа —
Бегонадек ота макон ҳам...
Шу этдими сизни озурда?
Она, сизни тушимда кўрдим,
Нимадандир эдингиз хафа...
Бола-чақа, рўзғордан ортмай,
Ўрни билан бўлиб овора,
Ё эъзозлай олмадиммикан
Сизнинг азиз хотирангизни.
Балки бир зум намоён бўлиб,
Беозор бир ишорат билан
Дилга солиб эзгу туйғулар!
Чорладингиз мени ҳақ йўлга!
Она, дилда турфа савол кўп,
Нима қилай, йўқдир жавоби.
Набирангиз қилган Тиловатларнинг
Боряптими сизга савоби?
Она,
Кеча сизни тушимда кўрдим...

***

Сен бир ҳовуч покиза нурсан,
Фалаклардан келасан учиб.
Фариштасан, малаксан, ҳурсан —
тутиб бўлмас,
Бўлмайди қучиб.
Сен бир ҳовуч покиза нурсан,
Бир руҳдирсан — вужуддан ҳоли.
...гоҳ томоша қиласан хурсанд
Бу бечора ошиқ аҳволим...



**Иқтидорли ёзувчиларимиздан Шарофат Ашурова мозийга қайтиб яхши бир ҳикоя битибди. Муаллиф Амир Темурнинг болалик йилларини қаламга олибди. Бўлажак соҳибқирон маънавий раҳнамоси Шайх Шамсиддин Кулол ҳузурида таълим олар экан, илк бора золимларнинг қаттол зулмига тўқнаш келади, митти қалби ларзага тушади.**

**Аёнки, Шайх Шамсуддин Кулол ҳам султон- ул-орифин Аҳмад Яссавий, валийтарош Нажмиддин Кубро сингари каромат соҳибларидан эди. У бўлажак жаҳонгирга «Темур» дея қутлуғ исм қўйиб берди, мурғак гўдакни дуо қилиб, яратгандан бу норасиданинг иқбол юлдузи мангу порлаб туришини тилади. Тангри таоло иноятн шундоқ бўлди ҳам.**

**Ҳикояни ўқиб, пири комил Шамсуддин Кулолнинг мазлумлар ҳаққига қилган дуоси нечук мустажоб бўлганини ҳаяжон ичра кузатасиз. Ва муаллиф топган мантиққа ишонасиз. Шарофатнинг ютуғи ҳам шунда.**

Шарофат АШУРОВА

# ДУО

Ҳикоя

Шайх Шамсуддин Кулол ҳазратлари ҳужрасига кириб келганида, Темур хўрлиги келганидан титраб-қақшаётган бўлса-да, ўрнидан туриб таъзим қилди. Аммо йиғлаб юбормаслик учун овозини чиқаролмади. Ҳазрат унинг руҳий ҳолатини яхши тушунарди. Темур шу тобда қўшни ҳовлида бўлиб ўтган ваҳшийликни таърифлашга ожиз эди. Нафратдан ранги кўкимтир тусга кириб, вужуди беихтиёр титрар, хотиралар исканжасида эзиларди.

— Узингизни қўлга олинг, бўталоғим! Биламен, бул ваҳшийликни, бул ёвузликни кечириб бўлмас! Сарбозларни халқ қўлига топширишларини талаб қилиб, Қозонхон саройига вакиллар юборилди. Улар жазосини олгусидир.

— Ҳазратим, ҳазратим! — сўзлай олмай Темурнинг овози титради, — Турумтой табибнинг кичкинагина қизчаси... ҳали оёққа турмаган норасида... От туёқлари тагида эмаклаб, қочишини кўрганингизда эди! У қўлчаларини бошига паноҳ қилиб, шунақаям чинқирдики!.. Сарбознинг оти жажжигина елкасидан босиб ўтди. Қизалоқнинг.. ичаклари чиқиб кетди!

— Бас, бас! Кечадан буён бул тахлит сўзларни эшитавериб бағирларим эзилиб кетди! Эй, қодир эгам, наҳотки бу хўрликларни кўриб, томошабинликдан чарчамадинг?!

— Ҳазратим, ўз кўзларингиз ила кўрганингизда эрди, сарбозларнинг шодон қичқириғини... Нечук унутай уларнинг масиққан сасларини! Ҳатто отлари мурдалар устида мастона ўйноқларди. Бир от табибнинг очиқ қолган кўзидан босиб ўтди... Бир-бирига ёпишиб қолган мурдаларнинг аланга ичида тўлғанганини кўрганингизда эди!

— Бу сўзларни эшитгунча, қулоқларим батанг бўлса рози эдим! На илож, бу кулфатлар тақдирда бор экан, не ҳам қилардик!

— Йўқ, йўқ. Мени алдаманг ҳазратим! Бу ахир ваҳшийлик-ку?!

Шайх Шамсуддин Кулол кечадан буён Темурни тинчлантиролмай хуноби ошарди. Бир девор қўшниси Турумтой табиб қирқ йиллик умрини жинниларни, руҳий беморларни даволашга бағишлаган эди. Қозонхон лашкарларидан бирини қутурган туя ғажиб у ҳам қутурган. Уша сарбозни даволашни талаб қилишган. Аммо табиб даволашдан бош тортгани учун амир сарбозлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилганлар, уйичи, бола-чақаси билан от туёқлари тагида эзган, ўт қўйиб ҳузур қилишган, сўзлари икки бўлгани учун ўч олишган. Бу ваҳшийликни Шайх Шамсуддин Кулол хонадонида пири ҳазратга юкуниб, хизматига келиб юрган Темур дарахт устидан кўриб, қўлидан ҳеч нарса келмаганидан алами келарди. Зулмга чидай олмай асаблари қақшарди. Унинг руҳиятида зўриқиш бўлмасин дея ҳазрат Темурни тинчлантиришнинг бошқа йўлини излади. Токчадаги қалин китобни олди-да, бир саҳифасини сассиз ўқий бошлади. Етти-саккиз ёшлар чамасидаги Темур бироз тинчланиб, секингина бошини болишга қўйди, кўзларини юмди. У уйқуга кетган бўлса-да, елкалари беихтиёр учар, инграр, алаҳсирарди. Ҳазрат саҳифалардан кўз узмай ўқиди. Тинчланиб, пешонасида тер чиқа бошлаган Темурнинг бошини силаганча, Оллоҳдан унга умр, қудрат тилади.

Негадир шу тобда Ҳазратнинг ҳам аламлари бўғзига келди. Чунки Темурнинг зорланиб айтган сўзлари қалбини ларзага соларди. Асрлар давомида тиклаб бўлмас Насафнинг ўтмишини бўзлаб ёд этди. Бу ерда ўтган пири комилларнинг руҳини чорлади. Имом Абу Барокат ибн Аҳмад Маҳмуд ан-Насафий, Абу ал- Мутиъ ан-Насафий, Абу Туроб Нахшабий, Шаҳобиддин Насафий, Нажмиддин Насафий... Уларнинг руҳларидан мадад тилади. Қалб кўзи очиқ шугина гўдакнинг йўлларини ойдин қилишларини ўтиниб сўради. Темур эса узоқ сафардан ҳориб келган жангчи сингари ҳоргин уйқуда ётарди.

* * *

Темур кечаги воқеаларни гўё туш каби эсларди. Ҳамон суякларнинг қисирлашлари, отларнинг мастликиб пишқириши, болаларнинг чинқириғи, навкарларнинг беҳаё ҳайқириқлари, дарахтларга боғланган руҳий беморларнинг фарёдлари, қутирган сарбознинг саси қулоғидан кетмасди. Ҳазрат бомдод намозидан қайтиб, Темурнинг ҳужрасига бош суқди. Ухлаяпти, деган ўй билан оҳиста қадам босди, ёнига чўкди. Пешонасига қўлини қўйди, уйғоқ ётганини кўриб, кулимсиради:

— Уйғондингизми, бўтам? Тура қолинг, иккаламиз бир жойга бориб келамиз. — Темурнинг аъзои-бадани калтакланган каби зирқираб оғрирди. У оғриқларни енгиб, туришга ҳаракат қилди. — Эсингизда бўлса бир сафар тилга олиб эрдим, устазода Али Насафийни, ўша наққош йигитни зиёрат қилиб келайлик.

Улар Ҳазратнинг дарвозасидан чиққанларида Қуёш эндигина ётоғидан бош кўтариб, музаффар нурларини Қаршининг адл тераклари, Жоме масжидининг минораси, Заҳҳок тепаликка пуркамоқда эди. Ҳали қуёш нури барча жойларга етиб улгурмаганидан, соялар эринибгина этакларини Қаршининг харобалари ортидан, томлар орқасидан, муйилишлардан йиғиштириб олмоқда эди. Темур саййидлар маҳалласининг энг кўркам, серфайз кўчаларидан Ҳазратнинг ортидан эргашиб бормоқда. Кўрмаган экан, Қаршидаги барча маҳаллалар ҳам обод эмас, ҳатто қултум сувга зорлари ҳам бор экан. Тош йўллар тугаб, тупроғи тиззага келадиган кулоллар маҳалласи бошланди. Улар анча юришгандан сўнг, деворлари баланд, каттагина дарвозали ҳовлига киришди. Ерда ётган улкан ўймакор дарвоза устида уймалашаётган бир гала ўспиринлар гур этиб ўринларидан турдилар, уларга пешвоз чиқдилар. Улар орасидаги узун бўйли, юзи фариштали мўйлови ўзига ярашиб турган йигирма ёшлар чамасидаги йигит қўлини кўксига қўйганча ичкарига таклиф этди.

— Хуш келибсиз, ҳазратим! Биз фақирларни ҳам ёд этибсиз, қадамларингизга ҳасанот, қандай улуғ кун экан бугун!

— Умрингиз зиёда бўлсин устазода!

— Беҳад бошимизни кўкка етказдингиз, ҳазратим, сўрига марҳамат!

— Саройга аталган дарвозангиз ҳам битмай қолибди. Илоҳим, касбингизга барокат энсин! Аммо ўтиришга имкон кам, ҳай, бир пасгина.

Улар ўспиринлар орасидан чиқиб, сўрига ўтирдилар. Аммо Ҳазратнинг ичида чаёнлар ўрмаларди. Али Насафийни чойини ҳам тўхтатиб, фикрини билдирмоққа интиларди. Аммо уста ҳам Темур каби бўлиб ўтган табиб фожеасидан ўзига келмаган, дардини айтгани сўз тополмасди.

— Ҳазратим, аламимдан ичларим куядур! Наҳот бирон чора йўқ?!

Ҳазрат сўзсиз бош чайқади. Аламларни англатмаслик учун босиқ оғиз жуфтлади. Яккам-дуккам оқ оралай бошлаган соқол-мўйлови ўзига ярашиб, салобат бериб турган Ҳазрат гапни нимадан бошлашни билмай каловланди. Юз-кўзларидан нур эниб турган, қизил юзли, ўрта бўй, қирра бурун, дид билан кийинган, бугунги кунда Қаршининг пири, дабдурустдан тушини айтиб, бировларнинг дилини хуфтон этишдан истиҳола қиларди. Ўтган кеча тушида Али Насафийга унаштирилган Салоҳиддин эшоннинг қизлари Гулгунойни қузғун олиб кетаётганмиш. Бу тушдан хавотирда эди. Бомдод намозига келган саройдаги ҳуфийлардан бири шунга яқин гапни қилди. Амирнинг эшикоғаси — Ибн Ясавурий эшоннинг қизига кўз тикаётганмиш. Ҳазрат подадан олдин чанг чиқаришни истамаса-да, кўнглидаги хавотирдан нимадир рўй бериши мумкинлигини юраги сезарди. Али Насафий эса ҳамон табиб фожеасидан ўзига келолмай, сўзламоқда эди.

— Устазода, эшитиб эрдим, тўй тараддудида экансизлар? Хайрли ишни кечиктирманг, бўтам, иложи бўлса шу бугундан!

Ҳазратнинг кейинги сўзлари устани ҳушёр торттирди.

— Ҳазратим, шундай кунда кўнгилга тўй сиғарми? Боз устига меҳнатларинг эвазига калтаклар ила сийлашсалар, шу ҳам адолатданми?!

— Қон қақшаманг, наққош Али, бизга ҳам осон деб ўйламанг! Масжидни таъмирлаш ҳам, дарвозани битказиш ҳам қочиб кетмайди, тўйга тараддуд кўрмоқ лозим. Ибн Ясавурий Гулгунойга кўз тикмишдур, бўтам!

Бу сўзлардан сўнг Али Насафийнинг нафаси ичига тушиб ўтириб қолди. Бир зумда ранги қорайиб, илојсизликдан атрофга жавдирарди. Ҳазрат тилга олган гаплар рост бўлиб чиқса, табиб фожеаси ҳам ҳалво бўлиб қолади. Наққош ўзи сари бостириб келаётган қуюннинг даҳшатини ҳис этиб, титраб кетди. Неча ойлардан буён висол онларини яқинлаштирмоқ учун эшон ҳазратларининг кўнглини овлайди, масжидини таъмирлайди, саройга нақшинкор дарвоза ясаш учун тиним билмайди. Аммо Чиғатой улусининг қийиқ кўзлари тикилган жой хароб бўлишга маҳкум, култепага айланади. Нафақат муҳаббат боғлари, сон-саноқсиз инсонларнинг ҳаёт бўстонлари кўзғунларга макон бўлгусидир. Ҳали-ку, эшикоғаси экан, ҳатто навкари кўз тиккан жойда омонлик бўлмагай?!.

Али Насафий хаёллардан чўчиб кетди. Бир вақтлар Салоҳиддин эшоннинг исмини эшитганда лавлагиси чиқиб қизарадиган одам, Ҳазратнинг ортидан қолмай эргашди. Ҳазрат ҳам ишни тезлаштирмоқ учун боришга монелик кўрсатмади. Улар таъмирланаётган Жоме масжидининг ёнидан ит қувлаган каби тезгина ўтиб кетдилар. Миноралар устида нақшинлар ёпиштираётган усталар уларнинг ортларидан ҳайратланиб қараб қолдилар. Эшоннинг ҳовлиси ҳам узоқ эмас экан.

— Ўзингизни қўлга олинг, устазода. Эшон ҳазратларини ҳовлиқтириб қўймайлик. Бир пасдан сўнг ортимдан кирасиз. Аммо билиб қўйинг, шу бугун никоҳ ўқилур, тўй ҳам бўлур.

Али Насафий ҳазратнинг сўзларини карахт бўлиб эшитди. Бир сония ҳам кутишга тоқати йўқ эди, Гулгунойнинг ҳужраси томон югурди, шу зайл Ҳазрат иккаласи Темурни унутиб қўйдилар. Темур бирпас ҳовлида ўйнаб ўтирди, сўнг муюлишдаги Жоме масжидининг нақшинкор безакларига маҳлиё бўлганини эслаб, ортига қайтди. Ҳозиргина уста ва ҳазрат билан кетган болакайнинг қайтиб келганини кўрган усталар уни ўраб олишди. Тўй бўлишини эшитиб тинчишган бўлса-да, кўнгилларига хавотир тушиб, қўллари ишга бормай қолди. Темур усталарнинг кўнгилларидаги ғулғулани ҳис этмаганидан парвойи палак, минорани, кунгирадор пештоқларни томоша қиларди.

Масжид минораси анча баланд экан. Тепадан Қаршининг тўрт тарафи кафтдек кўринаркан. Ана, илон изидек чўзилиб кетган қалъа деворлари, маҳаллалар ҳам қуроқ гилам каби бир-биридан ажралиб турибди. Қозонхонанинг саройи ҳам унча узоқ эмас экан, қўриқчилар тош қотган. Ана, дарвозадан отлиқлар чиқишди. Ҳа, Самарқанд дарвозаси томон кетишди... Темур томоша қилишдан зерикди чоғи, Ҳазратнинг ортидан кетди.

Темур эшоннинг ҳовлисига етганда аллақачолн тўй тараддуди бошланиб кетганди. Ҳовлида бир талай одам йиғилибди. Барчаси шивирлашиб гаплашишарди. Расм-русумлар ҳам адо этилди, никоҳ ўқитилди, келин-куёвни отга миндириб, ҳаммаси сассиз Али Насафийникига томон жўнадилар. Рости Темур бундоқ тўйни ҳеч кўрмаган эди. Эндигина Жоме масжидининг ёнига етган эдилар, рўпарадан шитоб билан келаётган сарбозларни кўриб, қадамларини секинлатдилар. Отлиқларнинг йўлбошчиси ёши қирқлардан ўтган, давангирдай, қовоқлари осилган, отбашара одамни танидилар. У ўша ибн Ясавурий, амирнинг эшикоғаси эди. Улар ҳе йўқ, бе йўқ одамлар устига бостириб келардилар. Эшикоға от бошини келин-куёвлар мингашган тулпор устига бурди. Барча ваҳимадан тош қотган эди. Ҳазрат шундай бўлишини билган бўлсада, ўзини йўқотиб қўйди. Нима қиларини билмай, каловланди. Шу тобда Ясавурий Али Насафийнинг башарасига қамчи сермади. Устма-уст тушган қамчи зарбидан Наққош отдан учиб кетди. Уни маҳкам қучоқлаган Гулгуной ҳам унинг усидан тушди. Ҳазрат ўзига келиб, одамларни ёриб олға томон интиларди. Темур оёқ остида қолмаслик учун ҳазратнинг ўнгиридан маҳкам ушлаган эди. Ҳазрат чидай олмади, қўлларини ҳаволатганча, қичқирди:

— Ҳалойиқ, нега қараб турибсанлар! Етар шунча оёқ ости қилганлари!..

Ҳалойиқ шу гапни кутиб турган экан чоғи, бирдан гувраниб олға ташланди. Сон-саноқсиз муштлар ҳаволанди, деворлардан ўпириб олинган кесаклар отлиқларга ёғилди. Бир пасда қийчув, тўс-тўполон бўлиб кетди. Бир тўп навкар ҳалойиқ ўртасида қолди. Улар қуролсиз халқни отлари билан бостирар, аёвсиз саварди. Тўс-тўполонда Гулгуной ўзини қўлга олиб масжид томон қочди. Давангирдай ибн Ясавурий ортидан қувди. Гулгуной оқ рўмолини ҳилпиратиб зиналардан миноранинг юқорисигача чиқди. У эшикоғанинг етиб келишидан қўрқиб, қўлларини ёзганча ўзини ерга ташлади. Халойиқ қичқириб, жимиб қолди. Гулгунойнинг оппоқ рўмоли ва қўйлаги уни ёпиб қолганди. Минора тепасига етиб келган ибн Ясавурий қўлларини ёзганча лол қолган эди. Қамчи зарбидан гангиб, ўзига келган Али Насафий эса туш кўрган каби Гулгуной сари интилди. У кўзлари очиқ, оғиз, қулоғидан қон силқиётган илиққина вужудни бағрига олди:

— Эй, фалак менда қасдинг бормиди?! Бунчалар хўрламасанг, ёғий қўли билан балолар ёғдирмасанг! Ҳалойиқ, ҳолимдан кулинглар, мен Гулгунойни ўлдирдим, ўлдирдим!..

Темурнинг оғриқдан кўз олди қоронғилашиб кетди. Чунки ур-сурда навкарларнинг оти бир оёғини босиб кетди. Шундай бўлса-да, Ҳазратдан қолиб кетмаслик учун оёғини судраб олға интилди. Унинг муккичаси илиққина қон билан тўлиб, сиртига сизиб оқарди. Аммо у Гулгунойнинг жасадини кўриб, эзилиб кетган бармоқларининг оғриғини ҳам унутди. Ҳозиргина Гулгунойни минора тепасида кўрганди. Унинг ҳарир либоси, зар билан ҳошияланган қуббали мурсаги, тақинчоқлари тик келган қуёш нурида кўзларини олиб ялтираганди. Шу тобда отлар тагида қолганда ўзини ташлаган экан, қуролмай қолди. Гулгунойга қўллари етмай қолган ибн Ясавурий ҳеч нарса бўлмагандай ортга қайтмоқчи эди. Аммо Ҳазратнинг фиғони осмонга ўрлади:

— Бас-а!!. — дея бор овозда ҳайқирди у. Темур чўчиб кетганидан оёғининг оғриғини ҳам унутиб, пирнинг оёқларини маҳкам қучди. Ҳазратнинг саси гўё амирларнинг девортешаридай гумбурлаб чиқди. Ва... Яна Шайх оғзидан аллақандай нарса ҳам отилиб кетди. Минора тепасидан қайтаётган эшикоғанинг кийимларига олов ёпишди. У ҳарчанд уринмасин ўт баттар гурилларди. У жон ҳолатда қочиб қутулмоқчидай ортига қараб югурди. Аммо Гулгуной сингари қўлларини ёзганча пастга учиб кетди. Оловда унинг чопони байроқ каби ҳилпиради, сўнг осмонга учиб, кўздан ғойиб бўлди. Олов гўё унинг устидан олингандек, ҳеч жойи куймаган эди. Буни кўриб турган навкарлар ўз жонларини асраб қолмоқ учун отларининг бошини амир саройи томон бурганча, олди-кетига қарамай қочдилар.

Халойиқ кўчаларда дарё каби оқарди. Навкарлар ҳозир жонларини олиб қочган билан, минг бир балоларни бошлаб келиши тайин. Уларни йўлдан қайтармоқ, бегуноҳ одамларни қирғиндан ҳимояламоқ лозим. Ҳазратнинг мияси қақшарди. «Эй, қодир худо, борлигингни кўрсат! Биз гуноҳкор бандаларнинг қўли қон бўлди, кўриб турибсан, золим қони билан булғанди! Яна бир кароматингни дариғ тутма, амир йўлларини бекит, кўнглига шафқат сол, агар кўнмаса халқнинг эмас, менинг жазойимни бер! Чунки мен уларни даъват этдим, ялиниб сўраймен, яна бир марта қўлла!..»

Вақт ўтган сари қўшни маҳаллалардан келиб қўшилаётган одамлар сафи кенгайиб борарди. Шунча халойиқ қуролланган навкар отлари остида янчилишини ўйлаб, ич-ичидан яратганга ёлвориб, авлиё-ю анбиёларга илтижо қиларди. Одамлар сони тобора ортиб борарди. Телбаларча Гулгунойнинг жасадини кўтариб олган Али Насафий ҳамон фарёд чекиб зорланарди. Унинг қўлидан мурдани ҳеч ким ололмасди. Насафийнинг фарёдлари халойиқнинг нафратини баттар аланга олдирганидан, ниҳоятда дарғазаб эди.

Қуёш эса Қаршининг ғарбидаги Зоҳҳоки Марон тепалиги томон оҳиста ёнбошламоқда. Унинг ипак каби майин нурлари Али Насафий қўлида тани совий бошлаган Гулгунойнинг майда ўрим сочларига, заррин мурсагидаги оловранг қуббасига, зебигарданига, тилло суви юритилган сочпупагига, от туёқли кумуш ҳалқасига, заррин кундал кўйлагига акси тушиб, кўзларини қамаштирарди. Қайтган жило бир муддат Темурнинг ҳам кўзига тушиб, аламлари баттар қўзғади. Оғриқдан чидай олмай, афтини буриштирар, жиққа қонга беланган оёғини судраб Ҳазратнинг ортидан қолмасди.

Ҳалойиқ негадир бесаранжом, ваҳимага тушиб қолди. Чунки кўча бошида сон-саноқсиз отлиқ навкарлар шиддат билан улар устига бостириб келарди. Уларни кўрган Ҳазрат жон-жаҳди билан олға интилди, одамлардан ажралиб чиқди. Унинг ўнгиридан маҳкам ушлаб келаётган Темур ҳам одамлар орасида қолди. Отлиқлар эса бостириб келардилар. Ҳазрат чўккалаганча қўлини кўккка чўзди:

— Эй, Қодир Эгам, яна бир бор қўлла! Ахир қачонгача томошабин бўлиб турсин? Қуюн каби бостириб келаётган ёғий йўлларини тўс! Ишончларимни, нолаларимни поймол этма, ёлвориб сўраймен, пирларим, мададкорларим, руҳларингиздан ўргилай, ёлғизлатиб қўйманг!..

Негадир шиддат билан бостириб келаётган лашкарнинг отлари пишқириб тўхтади. Улар қуролсиз ҳалойиқни от туёқлари тагида янчиб, бошларини олмоққа шайланиб келмоқда эдилар. Ҳарчанд уринмасин отлар ортга тисарилар, олд оёқларини адл кўтарганча пишқириб бошларини сарак-сарак қилиб, бир қадам ҳам олдинга босмасди. Ҳазрат эса ҳамон қўлларини кўкка узатганча тинимсиз нола қиларди. Темур ҳалойиқ орасидан чиқиб олиш учун олға интилар, бақириб йиғлар, тиззасигача қонга беланиб илгари суриларди. Аммо олдинга отилиб чиққан Темур нимагадир урилиб, ортга тисарилди. Назарида кўзга кўринмас ойнага урилгандек Ҳазратнинг ёнига югуриб ўтолмади. Лашкарбошининг фиғони фалакка ўрларди:

— Эй, Шайх, қоч йўлдан, туёқлар тагида эзилиб кетасен!

— Сўзларимга қулоқ ос, лашкарбоши! Табиб билан Эшон ҳазратларининг қотилларини халқ қўлига топшир! Бас, ҳаддингдан ошма, тавқи лаънатга қолгайсен!

— Сен нечун бу қадар шарт қўймоқни одат қилдинг Шайх? Тушингни сувга айт!

— Илож қанча, тушни сувга айтоқ учун дарё даркор!

Шу тобда гўё бир дарё тўлқини олтларнинг ўмганига урилди. Совуқ сув томчилари навкарларнинг юзларига сачраб, мўъжизадан ҳушларини йўқотдилар. Аммо лашкарбошининг оти олдинга ҳам, орқага ҳам юролмай гир айланарди. Тулпор тор сайисхонага кириб қолган каби сапчир, қўрқувдан ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. Лашкарбоши ҳам ваҳимада қолди:

— Шайх жаноблари, бу нима қилганингиз, биздан нима истайсиз?!

— Бу пирлари, арвоҳлари қўллаган менинг юртим! Унинг фарзандларига хиёнаткор навкарларингни топшир. Топширмас экансен, дарёга ғарқ бўлурсен!..

Табиб хонадонини кўкка совурган, Али Насафий тўйини азага айлантирган навкарлар халқ қўлига топширилди. Ҳазрат шундан сўнг кўкка чўзган қўлларини туширди. Пишқириб оқаётган дарё аста секин пасайди, кўздан ғойиб бўлди. Лашкарбоши отининг бошини сарой томон бурганча жон ҳолатда қамчи босди. Темур ҳам суяниб турган девори қулагандек олдинга қалқиб кетди. Темур Шайх ҳазратларининг бағрига отилди. Ҳалойиқ дарё каби кўпирди. Ҳазратни олқишладилар, «роси-русти» сўзларини такрорлардилар. Ҳазратнинг чўян каби қизиган танасидан ҳарорат кўтариларди, аъзойи баданидан тер қуйиларди, Темур ҳазратнинг бағрида гўё ёмғирда увиган каби буюмлари нам бўлиб кетди. Шайхнинг афти-ангори таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. Оқиш юзи, қизғиш ёноқлари ўрнини кўкимтирлик эгаллаганди. Ҳатто зўриқишдан кенгайиб кетган бурунлари атрофи, бўйин томирлари ҳам қонталаш ҳолга келганди. Унинг вужуди тинимсиз титрар, йиқилиб тушмаслик учун Темурни маҳкам қучиб олганди. Гўё вужудидан чиққан олов қўлларига ёпишган каби, бармоқларининг учидан тирқираб сув чиқарди...

Комил АВАЗ

## ФАРДЛАР

**Яккаликда кўрдим гўзал иншони,**
**Яккаликдур мукаммаллик нишони.**

**Севдигим сендур мани жон Ватаним,**
**Сенга бўлсин бахшида жон ва таним.**

**Тириклик, бор жами жонзот ерники,**
**Ер, севдигим, муҳаббатим дерники.**

**Дунё борки, бани одам бахт излар,**
**Бахтиёрки, тавба, у ҳам бахт излар.**

**Тун зимистон бўлса ҳам ўз нури бор,**
**Ҳар ошиқнинг қибласи — ўз тури бор.**

**Тавба дерлар, озмас кумуш, олтини,**
**Қўша билмаса ҳам бешга олтини.**

**Пинҳон бўлса, қалбга туйғу тошади,**
**Воқиф бўлса, иштибоҳлар ошади.**

**Гар ишда йўлдошим, улфатим доно,**
**Нодон сўзидан ҳам топдим гоҳ маъно.**

**Суянмасанг мисли таянч, у ўра,**
**Суянсанг ўрнида бир чуқур ўра.**

**Азал дўстлик оятлари муаззам,**
**Ҳеч оятсиз ўтганларга йўқ малҳам.**

**Ғийбат неча тубан, асфал бўлса ҳам,**
**Харидори ҳеч замонда бўлмас кам.**

**Ҳамма дер тиладим тинчлик, омонлик,**
**Бир кимса йўқ — қилдим деган ёмонлик.**

**Беҳимматнинг яхшилиги беомон,**
**Таъна этар ўтмасданоқ бир замон.**

**Кўзинг юмиб бош етганча ёстиққа,**
**Тушунмассан ёлғончида ростлиққа.**

**Эшитмай дер эр отини хотини,**
**Хотинлар бор эру элнинг отини.**

**ИЗОҲЛАР:**
**ўра — устун.**
**ўра — чуқур.**
**асфал—паст, қуйи.**

